

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1985 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 49 (8539).

8 март, 1985 йил

ЖУМА

Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз хотин-қизлар!
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни халқаро хотин-қизлар куни — бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизларининг бирлиги ва бирдамлиги куни билан сиймий табриклайди!

Бизнинг мамлакатимизда 8 Март — оналар, меҳнаткаш, ватанпарвар аёлларга нисбатан меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик туйғулари билан тўлиб-тошган умумхалқ байрамидир. Социалистик жамият хотин-қизларининг экономика ва маданиятни ривожлантиришга, ёш авлодни тарбиялашга қўшаётган жуда катта ҳиссасини юксак қадрлайди. Ватанимиз ўзининг тарихий муваффақиятларига кўп жиҳатдан совет хотин-қизлари тўғрисида эришди. Ҳозир ҳам улар ўзларининг бутун кучлари, истеъдодлари ва қобилиятларини ривожланган социализмни такомиллаштириш ишига сарфламоқдалар.

КПСС Марказий Комитети шунинг эътибори билан қайд этадики, ҳозир — бутун мамлакат 1985 йилги планни тўла ва ошириб бажариш, ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш, партиянинг XXVII съездини муносиб кутиб олишдан иборат янги мудоао билан яшаб турган бир пайтда совет хотин-қизлари зўр ғайрат ва завоқ билан ишламоқдалар, шавкатли меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Азиз хотин-қизлар, севикли Ватанинг равақи йўлидаги тоғмас фаолиятингиз учун сизларга раҳмат!

Оналарга айниқса чуқур ҳурмат туй-

ғуси билан мурожаат этамиз. Ёш авлодни тарбиялаб ўстириш — ҳам юксак бурч, ҳам катта масъулиятдир. Кейинги йилларда мамлакатимизда совет хотин-қизларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Умумий таълим ва ҳунар мактабларининг ислоҳ қилиниши социалистик Ватанинг меҳнатсевар ва оғли граждандарини тарбиялаб вояга етказишни тубдан яхшилаш имконини беради.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий турмушдаги роли ошиб бораётганлиги — социалистик демократия афзалликлари-нинг яққол далилидир.

Ўтган сайловда мамлакатнинг бир миллиондан ортиқ меҳнаткаш аёли халқ депутатлари маҳаллий Советларига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига сайланди. Мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи — СССР Олий Совети депутатларининг учдан бир қисми хотин-қизлардан иборат. Коммунистик партия хотин-қизларнинг жамият ишларини идора қилишда тобора актив қатнашишлари ҳақида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилаверади.

Бу йил халқаро хотин-қизлар куни совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси 40 йиллиги арафасида нишонланмоқда. Дахшатли уруш даврида совет хотин-қизлари фронтларда ва партизан отрядларида душманга қарши мато-

нат билан жанг қилдилар, мамлакат ичкарида фидокорона меҳнат қилиб, ғалаба учун замин яратдилар. Уларнинг ҳарбий ва меҳнат жасорати мангу яшайди!

Ўтган уруш фожияси ҳеч қачон такрорланмаслиги керак! Ҳозирги кескин халқаро вазиятда партиямиз, унинг Марказий Комитети, Константин Устинович Черненко бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси тинчликни сақлаб қолиш, ядро уруши хавфининг олдини олиш учун ҳамма ишни қилиб келмоқдалар ва бундан буён ҳам бу йўлда ҳамма ишни қилаверадилар. Совет хотин-қизларининг тинчликни ҳимоя қилувчи овози баралла янграмоқда. Улар социалистик мамлакатларнинг хотин-қизлари билан, ер юзидagi меҳнаткаш хотин-қизлар билан — халқлар тинчлиги, озодлиги ва мустақиллиги учун, социал тараққиёт учун курашаётган барча кучлар билан дўстлик ва интернационал бирдамликни мустаҳкамлайверадилар.

Азиз хотин-қизлар!
Чин кўнгилдан сизларга, оналарингиз ва фарзандларингизга сизаҳ-саломатлик, бахт, иқбол, меҳнатда, ўқишда ва яшода янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз!

Яшасин халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март!

Совет хотин-қизларига шон-шарафлар!
Яшасин улуғ социалистик Ватанимиз!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.



Н. ҒУЛОМОВ ЧИЗГАН ПЛАКАТ.

ВАТАННИНГ ШОНЛИ ҚИЗЛАРИ МОСКВА

Планетадаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг интернационал бирдамлиги куни — 8 Март байрами совет мамлакатига чинакам умумхалқ байрами бўлиб қолди.

7 март куни Москвада, СССР Иттифоқи Бойшош театрида пойтахт партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакиллари халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилиш ахли Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, М. С. Соловьев, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебурков, М. В. Зинякин, Е. К. Лигачев, Н. И. Рыжков ўртакларини давомлати қарсақлар билан табриклаб кутиб олди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, министрликларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳарбий бошлиқлар, илғор саноат ходимлари, олимлар, маданият арбоблари ҳам президиумда эдилар.

КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Р. Ф. Деметьева партия, Марказий Комитетнинг Совет хотин-қизларига табриқнома-сини ўқиб эшиттирди. Табриқнома давомлати қарсақлар билан кутиб олди. Р. Ф. Деметьева жамият ҳаёти-

нинг барча соҳаларида совет хотин-қизларининг меҳнатига берилган юксак баҳо учун КПСС Марказий Комитети, Константин Устинович Черненко бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси совет халқининг турмуш фаровонлигини ошириш тўғрисида, мамлакатимизнинг хотин-қизлари ҳақида, тинч бунёдкорлик меҳнати ва бахт-хуш турмуш учун уларга зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисида жуда зўр ғамхўрлик қилаётганликлари учун чуқур ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этди.

Куни кеча мамлакатимизда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, маҳаллий советларига сайлов бўлиб ўтди, деди Совет хотин-қизлар комитетининг раиси. Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Терешкова ўз докладыда. Сайлов партия билан халқнинг бузилмас бирлигини, совет кишилари партиянинг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини яқдлллик билан маъқуллаётганликлари яна бир бор намоён бўлди. Константин Устинович Черненко-нинг Москва Куйбисhev сайлов округи сайловчиларининг йиғилишидаги муфассал, программий нутқи, совет кишиларини ватанинг иттифодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга,

мамлакатимизда барпо этилган ривожланган социалистик жамиятни ҳар томонлама такомиллаштиришга йўналтирмоқда.

Совет меҳнаткашлари партиянинг ижтимоий ишлаб чиқариш янада интенсификация қилинишига эришилди, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини тубдан оширишнинг таъминлаш тўғрисидаги даъватига қатъий ишлар, янги-янги меҳнат ташаббуслари билан жаваб қайтармоқдалар. Ватанпарварлик ташаббусларини бошлаб берган кишилар орасида, шу йилги ва умуман беш йиллик топириқларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси лешқадамлари орасида хотин-қизлар кўп. Бу эса гўят қонуниятли бир ҳолидир.

Москва меҳнаткаш аёлларининг намунаси хотин-қизлар бизнинг мамлакатимизда нафадар зўр бунёдкор куч эканлигини ажойиб тарзда тасдиқлаб турибди. БМТ хотин-қизлар ўн йиллигини эълон қилганлиги дунёнинг кўпгина мамлакатларида хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигига оид масалалар ҳал этилишига ҳали анча борлигидан далолат беради.

Нотиж одамларнинг ҳозирги авлоди зиммасига жуда юксак масъулият — ядро ҳалокатига йўл қўймаслик, ер юзиди тинчлик ва ҳаётнинг ўзини сақлаб қолиш мажбурияти юланганлиги-

ни таъкидлаб, бугунги кунда планета халқлари космик ва ядровий қуролларнинг бутун комплекси юзасидан Женевада бўладиган музокара-ларга жуда зўр қизиқиш билан қараётганликлари эсла-тиб ўтди.

Турли мамлакатлар хотин-қизларнинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги бирдамлиги таърибаси хотин-қизларнинг урушга қарши ҳозирги ҳаракати учун ўзгармас аҳамиятга эгадир. Бундан 40 йил муқаддам халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси ташкил этилганлиги ана шу бирдамлиқнинг ақсо-либ ифодаси бўлиб қолди. Бугунги кунда шу федерация дунёдаги 117 мамлакатдан 135 хотин-қиз ташкилотини бириктирган.

8 Март куни совет хотин-қизлари барча мамлакатлардаги тинчлик учун курашиш-ларга қизгин салом йўлла-дилар.

Пойтахт пионерлари тантанали йиғилиш қатнашчилари байрам билан қутлади-лар.

Йиғилишда қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига йўллаган табриқномада пайтахт хотин-қизлари, барча москвалиқлар ривожланган социализмни такомиллаштиришдан иборат кенг миқёсдаги вазифаларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қў-лиш учун куч ва ғайратларини аямаллашди, улуғ Ва-тан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини, КПСС XXVII съездининг муносиб равишда зарбдорларча нишонлайдилар деб, ваъда бердилар.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ

Баҳорнинг илк кунлари-дан бири — 8 мартада ҳамма ёш ва касбдаги кишилар Ватанинг ажойиб қизларини қутлайдилар, уларнинг социалистик Ватан одидидаги хизматларини шарафлай-дилар, молдир ва маънавий бойликларини ярат-тиша, тинчлик учун кураш-ган. КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини амалга оширишга қўшаётган жуда катта ҳиссалари учун улар-га миннатдорчилик билдира-дилар.

Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган 7 март ку-ни Тошкентда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. В. И. Ленин номидаги СССР халқ-лари дўстлиги саройининг байрамона безатилган залига

ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия, совет ва жамоат ташкилотла-рининг вакиллари, Улуғ Ва-тан урушининг ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, Қизил Вайроқ орденли Тур-кистон Ҳарбий Округининг жангчилари келдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми-нинг Раиси К. У. Черненко кишиларини Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ба-ланд рух билан фахрий президиумга сайладди.

Ўзбекистон архитекторлар союзи правленсининг раи-си Т. Ф. Қодированинг док-ладыда, «Ташсельмаш» за-води автоматчи тонарлари-нинг бригадари, КПСС

XXVI съезди делегати Ю. И. Степаненко, Беруний номидаги Тошкент политех-ника институтининг студенти Р. Ғаниева, В. И. Ленин но-мидаги Тошкент олий умум-қўшун командирлари билим юртининг курсанти К. В. Ульянов, шоир, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти-нинг лауреати А. Орплов-нинг нутқларида коммуни-стик жамиятнинг актив бино-кори — совет хотин-қизла-рининг шонли тақдирини ҳа-қида таъкидиди.

Коммунистик партия би-лан Совет ҳукумати меҳ-наткаш аёлларга тинимсиз меҳрибонлик қилмоқдалар, уларнинг илҳом билан ишла-ши ва дам олиш учун за-лур бўлган ҳамма шароит-ларини яратиб бермоқдалар, деб таъкидлашди нотиқлар. Ишловчи оналарнинг бола боқичлари учун берилади-ган имтиёзлар кенгайтири-лганлиги бунинг яққол дали-лидир.

Социалистик Ватанинг содиқ қизлари КПССнинг бўлажак XXVII съезди, со-вет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси 40 йил-лиги шарафига ўтказилаёт-ган социалистик мусобақа-нинг биринчи сафларида бормоқдалар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Но-митети Бюросининг аъзола-ри ва аъзоликка кандидатла-ри И. В. Усмонов, Ҳ. Р. Х. Абдуллаева, И. Г. Али-симов, Ғ. Х. Қодиров, Т. Н. Осетров, О. У. Сали-мов, В. А. Головин, Н. М. Махмудова, У. У. Умаров, В. А. Хайдуков, Ўзбекистон СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Қ. А. Ахмедов, В. Г. Духа-нин, В. Р. Раҳимов, С. У. Сўлтонова, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар.

(ЎЗАТ).

ТОШКЕНТ-ЖИЗЗАХ-ИВАНОВО

МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ

МУСОБАҚАДОШ ОБЛАСТЛАР ХАЛҚ ХҲЖАЛИГИ
АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1985 ЙИЛ ЯНВАРЬ
ОИДАГИ АСОСИЙ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Тошкент Жиззах Иваново

САНОАТ			
Ишлаб чиқаришнинг ўсш суръатлари — процент ҳисо-бида	99,8	84,1	99,8
Реализация планининг ба-жариллиши — процент ҳисобида	98,5	97,1	98,3
Реализация планини бажар-маган корхоналар сон	27	13	77
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	6,7	21,0	25,8
Саноат ишлаб чиқариш хо-димлари сонининг ўтган йил-нинг шу давридаги нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида	101,4	107,3	98,2
Меҳнат унумдорлиги бўй-ча планининг бажариллиши — процент ҳисобида	97,4	112,7	98,4
Меҳнат унумдорлигининг ўсш суръатлари — процент ҳисобида	98,4	78,4	102,0
Меҳнат унумдорлиги бўйича планини бажармаган корхона-лар сон	78	16	107
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	19,5	26,2	35,9
Барча турдаги қалам-ла-лаб чиқариш — миң тонна	1,2	—	27,7
Қалам-лаб ишлаб чиқариш пла-нининг бажариллиши — процент ҳисобида	82,8	—	98,9
Барча турдаги газламалар ишлаб чиқариш — миллион тонал метр	19,1	—	200,4
Газлама ишлаб чиқариш планининг бажариллиши — про-цент ҳисобида	95,4	—	100,0

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ

Барча категориядаги хўжа-ликларда асосий қорвачилик маҳсулотлари харид қилиш (пландан ташқари харид қилин-ган ҳам ҳисобга қиради) би-ринчи квартал планининг бажариллиш проценти

Чорва ва парранда	41,3	62,0	40
Сут	29,8	22,4	28

САРА КЎЧАТ ЭКИЛМОҚДА

ПАРНИК хўжалигида етиштирилган сара қарам қўчалари кеч кузда сифат-ли қилиб тайёрлаб қўйилган майдонларга экила бошлан-ди.

— 1985 йилда 96 гектар

Тухум 35,8 18,3 37

1985 йил январь ойда кол-хоз ва совхозларда чорвачи-лик маҳсулотлари етиштириш ва чорванинг маҳсулдорлиги

Чорва ва парранда асосий турларини гўшта топириш (тирик вазнда) — миң тонна

1985 йил январь ойда 1984 йилнинг январь ойдаги нис-батан процент ҳисобида

Янги соғиб олинган сут — миң тонна

1985 йил январь ойда 1984 йилнинг январь ойдаги нис-батан процент ҳисобида

Товуқ туҳуми етиштириш — миллион дон

1985 йил январь ойда 1984 йил январь ойдаги нисбатан процент ҳисобида

Ҳар бир соғин сиғирдан соғиб олинган ўртача сут миқ-дори — килограмм

1985 йил январь ойда 1984 йил январь ойдаги нисбатан процент ҳисобида

Ҳар бир товуқдан олинган ўр-тача туҳум миқдори — дон

1985 йил январь ойда 1984 йил январь ойдаги нисбатан процент ҳисобида

ДАВЛО

Давлат ва кооператив савдо (умумий овозатлиши ҳам ҳис-обга қиради) товар обороти планининг бажариллиши — процент ҳисобида

Шу жумладан чакана тар-моқ товар обороти

Умумий овозатлиши товар обороти

АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ

КЎРСАТИШ

Аҳолига жами маиший хиз-мат кўрсатиш ҳажми плани-нинг бажариллиши — процент ҳисобида

Шу жумладан шаҳарларда Қишлоқларда

1985 йил январь ойда 1984 йил январь ойдаги нисбатан процент ҳисобида

1985 йил январь ойда 1984 йил январь ойдаги нисбатан процент ҳисобида

1985 йил январь ойда 1984 йил январь ойдаги нисбатан процент ҳисобида

1985 йил январь ойда 1984 йил январь ойдаги нисбатан процент ҳисобида

БАҲОР КЎРКИ МЕҲНАТ БИЛАН

МАВСУМГА

ШАЙ

♦ ОҚҚЎРҒОН районда техника воситаларини сифатли ремонт қилишга катта эътибор берилмоқда. Махсус комиссия аъзолари график бўйича ҳўжаликларда бўлиб, ремонтдан чиққан машина ва механизмлар сифатини назорат қилишмоқда. Суратда: комиссия аъзоси — «Госкомсельхозтехника» район бирлашмасининг бўлим бошлиғи Мухаммадjon Рустамов (ўртада) Вотицев номли колхозда механизматорлар билан биргаликда ремонтдан чиқарилган тракторларни кўздан кечиришда.

Х. Аввалов фотоси.



КЎКЛАМГИ ЭКИШГА ШАЙМИСИЗ?

ДЕҲҚОН ҲАМИША ЭРТАНИ КЎЗЛАЙДИ

МУЛ ҲОСИЛНИ қўзлаган деҳқон ҲАМИША эртани кўзлайди. Шу маънада ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланишга, агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга оширишга интилади. Бугунги кунда Чиноз районидagi К. Маркс номли колхозда бўлган киши ҳам ҳўжалик пахтакорларининг ана шундай эзгу инти қилишда меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўлади.

Колхоз зарбунослари ўтган йили пахта ҳосилдорлигини 34,4 центнерга етказиб, йиллик планини ортиғи билан адо этган эдилар. Ўн биринчи беш йилликнинг сўнгги йилида эса бу кўрсаткични 40 центнердан оширишни мўлжаллаб турибдилар. Ана шу мақсадга эришиш учун кеч қўзданлаш пухта замин ҳўзлашга киришилди. Мажмууд 820 гектар майдон ички урусли плуглар ёрдамида 35—40 сантиметр чуқурликда ҳайдалди. Шудгорлар олдидан гектарига 20—25 тоннадан маҳаллий ўғит, 200 килограммдан аммофос, 100 килограммдан калий ўғити солинди. Энтомолог-агроном Мираҳмад Юсупов бошчили-

гида ташкил этилган унумдорлик бригадаси аъзолари бу ишларнинг сифатли бакарилишини таъмин эдилар. Улар ўз ихтиёрларига берилган 6 та транспорт трактори, 6 та принцип, битта юн ортиш механизми ва битта скрепердан унумли фойдаландилар. Бахтиёр Сангилар, Қодир Расулов, Вали Турсунов, Маъруф Сангиларлар сингари механизматорларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли ҳозиргача 3 минг тоналга яқин маҳаллий ўғит жамғарилиб, далаларга чиқарилди.

Ҳўжаликда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва ерга ер қўйиш соҳасида ҳам бирмунча иборатли ишлар амалга оширилди. Қишқиройил кунларда беш-олти гектарлик майдон қаргалар бириштирилиб, 15—20 гектарлик яхлит пайкалларга айлантирилди. 50 гектар ер капитал, 150 гектар ер жорий текисланди. Ҳўжалик территориясидаги барча зоурулар тозаланиб, 26 минг куб метр ҳажмида тупоқ ишлари бажарилиди. Айни вақтда 30 километрдан сув шохобчаларини тозалаш ишлари қизғин давом этмоқда. Ҳўжаликда ерларни ўғит-

га тўйдириш ва мелiorация иригация ишларини тўғри йўлга қўйиш билан бир қаторда техника ремонтни ҳам ўз мўддатига бошлаб юборилди. Қишқа вақт давомида мавжуд техника воситаларидан 7 та ҳайдов ва 19 та транспорт трактори, 10 та чигит экиш сеялкаси, 41 комплект сик-мола, 6 та чизел, 30 та принцип, 11 та грейдер сифатли ремонтдан чиқарилди. Уларнинг барчаси махсус сифат комиссияси аъзолари томонидан синаб кўрилиб, шарт чиниғига келтириб қўйилди. Эндиликда Ўзбекистон Ленин комсомол мукофоти лауреати Рашид Абдуллаев, Вағиз Илёсов, Тўлаған Алиқов, Ваҳром Мансуров каби механизматорларнинг ғайрат-шижоатлари билан ремонт қилишнинг ҳам низоҳисига етказмоқдалар.

Деҳқончиликда кўзланган мақсадга эришиш, юқори ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан уруғликнинг навиға ва сифатига боғлиқ. Ҳўжалик деҳқонлари бу йил ер шароитларини ҳисобга олиб, пахта-нинг «Топкент-1» ва С-4880 навллари экишга қарор қилдилар. Ҳозирги кунда 45 тонна чигит уруғи

махсус омборларда нормал иқлим шароитида сақланипти.

Колхоз территориясида район ҳўжаликларига нисбатан бир мунча кўйида жойлашган. Шу сабабли ҳам суғориш учун ажратилган сув қўлхоз далаларига тўлиқ етиб келмайди. Колхоз деҳқонлари бу йил ана шу муаммони ижобий ҳал этишди. Ойдинқул, Сарисув кўллари ва Чирчиқ дарёсидан оқова сувлари насослар ёрдамида тортиб олиб қайтадан пахтазорларга оқизиш тадбирлари қўйилди. Бу мақсад учун 8 та сув насоси тайёрланди. Ҳозир сув тўланидиган кўллар бойқандан тозаланиб, кенгайтирилди.

Далаларда кўклагининг илк чечаклари ниш урилиш биланоқ колхоз деҳқонларининг ишлари янада тизиллашиб кетади. Чунки улар чигит экишни олти иш кунинда тўғаллаб, гектарларда кўклаг кўчатлар яратишни, кўзланган мақсад сари қўйилган дастлабки қадам бўлишини жуда яхши билидилар.

Т. ЮСУПОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз муҳбири.

ТАЙЁР ҚИЛИБ ҚЎЙДИК

МЕН ЎН ИККИ йилдан буюн механизматорлик қилиб келмоқдам. Дастлаб транспорт тракторида ишладим. Мана бир неча йиллар, чопчи ва ҳайдов тракторлари, терим машинасини бошқармоқдам.

Ўтган йили бўлигимизнинг ўртоқ Этамқул Қороев бошқарган бригадаси далаларида меҳнат қилдим. Бу бригадда ҳар гектаридан 34 центнердан хирмон кўтарилди. Бунда ози-қўйи ҳиссам борлиги билан фахрланаман. «Зангори кема» рулини бошқариб 165 тонна пахта териб топширдим.

Тақриб шунинг қўрсатдики, ердан унумли фойдаланишда, мўлжалдаги ҳосилни олишда, маҳсулот сифатининг яхшиланишида механизматор зиммасига алоҳида масъулият юклатилди. Бу масъулиятни чуқур ҳис қилган механизматорлар деҳқонга ҳар жиҳатдан мададкор, қўмақдош бўла олади.

Техника — халқ мулки. Шунинг учун ҳам мен аввало, ўзимга бириктирилган техникани асра-авайлашга, умрини узайтиришга ҳаракат қиламан. Шу мақсадда техник қаровининг яхши бўлиши учун курашаман. Одатда шунчаки ҳар кун ишчи бошладан, олдин, сўнгга иш тамомлангандан кейин, албатта, тракторнинг у ёки бу қисмларини кўздан кечириб қараб, зарур бўлган тақдирда ҳўжалик мутахассислари билан маслаҳатлашиб, айрим қисмларни ўзгартириш лозимлиғи ҳақида келишиб олам.

РАҚАМЛАРНИ ШАРҲЛАГАНДА

РАҚАМЛАРНИНГ маъини қачини осон иш эмас. Бирозгина эътиборсизлик қилинса бас, оқин қора, ёки аксинча, қорани оқ қўрсатиб қўйиш мумкин. Мисол учун мана бу рақамга қараб хулоса чиқариб қўрайлик: ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даврида областимизда маъийн хизмат қўрсатиш ҳажми 36 процент ўсди. Демак, бу муҳим соҳадаги ишлар жуда яхши, аҳоли ҳам хурсанд, шундай эмасми?

Афсуски, шундай эмас, 36 процентнинг маъини қачини аввал яна бир-икки рақамни бир-бирига қўйишриб қўрайлик.

Область маъийн хизмат қўрсатиш бошқармаси ўтган йилги топириқларни ўқилай олади. Аҳолига планда белгиланганидан 2,8 миллион сўмлик кам хизмат қўрсатилди. Товар обороти планини бажаришдаги қўлоқлик 9,8 миллион сўмни ташкил этди. Афина, аҳоли учун жуда зарур бўлган химиявий тозалаш, мебелларнинг ремонт қилиб бериш, ҳаммом хизмати ҳажмининг аввалги йилдаги нисбатан камайтириб юборилгани кечириб бўлмай-диган ҳолдир.

Ана энди қилинган иш юзасидан тўғри хулоса чиқарса бўлади. Бошқармага қарашли ташкилотларда меҳнат интизомини бушатириб юборилган. Маъийн хизмат ходимлари ўз зиммаларидаги масъулиятини унутиб қўйганлар. Афсуски, бошқарма аппаратининг ўзида ҳам аҳоли худди шундай. Бошқарма структурасини такомиллаштириш юзасидан белгиланган йилги қўлақликча жорий этилгани йўқ. Бошқарма бошқарининг ўн ҳам, унинг ўринбосарларини ҳам, ҳақиқий иш билан шугулланмаётганлигини аниқ билмайдилар. Чунки улар ўз вазифаларини тақсимлаб олмаганлар. Бунинг устига улар бошқармага қарашли ташкилотларга учун ҳабар ва мутахассис кадрларни танилаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш билан шугулланмайдилар.

Область ижроия комитети маъийн хизмат қўрсатиш бошқармасининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини XVI пленуми талабларини асосида давлат, план ва меҳнат интизомини мустақамлаш, раҳбар ва мутахассис кадрлар масъулиятини ошириш билан жиҳдий шугулланмаётганлигини қайд этиб ўтди. Бошқарма раҳбарлари йўл қўйлаётган намчилик ва нуқсонлардан тўғри хулоса чиқариб олиб, ишда тезроқ бурилиш ясашлари лозим.

ДАВЛАТ МАБЛАҒИ—ДАХЛСИЗ

ЯҚИНДА ХАЛҚ депутатлари район ва шаҳар Советлари ижроия комитетлари учун қилинаётган сарф-харажатлар сметаси икроси ҳақида қишлоқ ва посёлка Советларининг бюджетларини тузиш ва икроси текшириб қўрилганда давлатнинг 116,7 минг сўм маблағи ортиқча сарфлаб юборилганлиғи маълум бўлди.

Посёлка ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларида қишлоқ интизом, айниқса, кўпроқ бўзилган. Қўмадан, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Қирчиқ районларидаги бир қатор қишлоқ Советлари ижроия комитетлари 33,7 минг сўм маблағи қонунсиз тарада беҳуда сарфлашган. Уларнинг раҳбарлари давлат маблағи ҳисобига саҳийлик қилиш ҳислат эмас, иллат эканлигини, давлат маблағи дахлсизлигини унутмасликлари керак.

Хўш, шунча пул қандай йўл билан, қаёққа кетди? Ревизорлар бу саволга аниқ жавоб беришди. Айрим район, шаҳар, посёлка ва қишлоқ Советлари ижроия комитетлари раҳбарларининг давлат маблағи ҳисобига ортиқча саҳийлик қилиб юборганликлари маълум бўлди.

Жумладан, Коммунист раёони ижроия комитетиди штатда қўрсатилмаган секреть-машинистка ишла-

тилган, ходимларга ошпама мош тўланган, дам олиш ва байрам кунлари ишлаганларга улар ҳўзлаган кундан бериш ўринига икки баравар ҳажмида иш ҳақи тўланган. Бўка, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ, Бекобод районлари ижроия комитетларида қонунга қарши равишда мувофотлар тарқатилган.

АРИҚЛАР ТОЗАЛАНМОҚДА

ЎРТА ЧИРЧИҚ райони ҳўжаликлариди мавсумга суғориш шохобчаларини тартибга келтириш ушқўқлик билан борапти. Бу борада Терешкова номли колхоз

Х. ҚОРАЕВ, «Пискент» совхозининг 6-бўлими механизатори.

аъзолари барчага ибрат бўлишини. Шу кунгача ҳўжаликдаги барча ариқ-зоурулар тозалаб қўйилди. 3-минг куб метр ўрнига 4,4 минг куб метр ҳажмида иш бажарилиди.

ОБЛАСТ ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИАЛАР СОВЕТИНИНГ ЙИГИЛИШИДАН

ЭКСКУРСИАЛАР ХИЛИ КЎПАЙМОҚДА

Ўтган йил област турист- ва экскурсия ташкилотлари 78,5 мингдан ортиқ меҳмонларга хизмат қўрсатдилар. Кейинги йилларда айниқса қишлоқ меҳнаткашларига экскурсия хизмати қўрсатишга алоҳида эътибор берилипти. Қишлоқ аҳолисига хизмат қўрсатиш бўйича турист ташкилотлар ўрта-сида ўтказилган област конгрессида Тошкент, Янги-йўл, Ғазалент шаҳарлари экскурсия ва саёҳатлар бюрolari юқори натижаларга эришилди. Област туризм ва саёҳатлар советининг йилигишида бу ютуқлар таъкидлаб ўтилди.

—Ўтган йили янги мавзуда 13 хил экскурсиялар ташкил этилди, — деди област туризм ва экскурсиялар совети раиси М. Жаваҳров. — Ҳозир қамни экскурсиялар 170 хил темада олиб борилапти. Турист экскурсия ташкилотлари хизматининг янги хил формаларини кенг қўлланмоқдалар. Тематик экскурсиялар ўтказишда Тошкент ва Чирчиқ бюрolari илк қадам қўйдилар. Тошкент бюроси ҳозир ўқувчилар, сийсий мактаб тингловчилари, архитектура ва куришлиш факультетлари студентлари учун экскурсиялар тематикасини ишлаб чиққан. Чирчиқ бюроси ҳам сийсий маориф қўуви тингловчиларига намунали хизмат қўрсатаяпти.

Йилигишида экскурсияларни ташкил этувчи кадрлар билан ишлашни яхшилаш, уларни шу асосда қайта аттестациядан ўтказиш зарурлиғи ўқтирилди. Ўтган йили 139 нафар туристнинг гуруҳи раҳбари махсус курсларни битирди. Тошкент бюросининг 31 нафар ходими ўз малакасини оширди. Ҳозир 365 нафар ходим экскурсияга келган кишиларга хизмат қўрсатаяпти. Улардан 7 нафари «Яхши экскурсиячи» деган номга сазовор бўлган.

Экскурсия хизматини яхшилашда унинг мазмунини бойитишда автотранспортчилар ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Ўтган йил «Турист» автобазасининг 67 та автобуси хизматда бўлди. Ҳаво лайнерларида саёҳат қилиш ҳам кейинги пайтда анча оммалашди. 1984 йилда маҳаллий ва марказий авиалиниялар бўйлаб 33 минг 726 нафар киши сафарга чиқди.

«Дилором» ва «Роҳат» турист поездлари хизмати эса йилигишида танқид қилинди. Қўрилаган талбирларга қарамай бу поездлар манзилларга 2,5 соатдан 8 соатгача кечиниб келмоқда. Натижада экскурсия планлари бузилаяпти.

Бу йил област Совети 259 минг туристга намунали хизмат қўрсатиши керак.

ФАН ОЛАМИДА

МЕТАЛЛНИ ИШЛАШДА ЯНГИЧА УСУЛ

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг Электроника институти олимлари турли металлларни электр эррозия йўли билан қайта ишлаш усулини ишлаб чиқаришга татбиқ эдилар. Илгари қаттиқ металл, масалан вольфрам ва юмшоқ металл — мис симларда энг кенглиги минг миллиметрлик ҳамда энг торлиғи икки миллиметрлик қувурча очилда анчагина мушкулликлар мавжуд эди. Қаттиқ металл ўйиллини қийин бўлса, юмшоғи букилиб кетиб ишни сустлаштирарди.

Янги усул асосида катталиги қўл пармасига тенг бўлган электрорознотан станок яратилди. Бу курилмада тайёрланган ўта жажжи қувурчалар ўтган йили Лейпциг ярмаркасида юқори баҳо олган эди. Техника фанлари кандидати Эркин Абдукаримов бошчилигида юзатга келган бу тадиқот эндиликда жаҳоннинг тараққий этган култура мамлакатлари: Швейцария, Франция, АҚШ, Англия, Канада ва бошқа шаҳарларда патентлаштирилди.

А. НАЗИРОВ.

ЎЗБЕК ЭМБАХБОРОТИ

КУБА ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИННИНГ СЪЕЗДИ

ГАВАНА. Хотин-қизларнинг жаҳонини социал-истиқодий ривожлантиришдаги иштироки ва уларнинг Куба олдиди турган вазифаларини ҳал этишдаги роли — Куба хотин-қизларини федерациясини IV съезди кун тартибидидаги асосий масалалардан бир Съездда озодлик оролининг ҳамма жойларидан келган 1300 дан кўпроқ делегат ҳозир бўлди. Анжуман ишида дунёнинг 70 мамлакати хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари, шу жумладан, Совет хотин-қизлар комитетининг делегацияси қатнашмоқда.

(ТАСС).

Д. ЛОНГИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЖЕНЕВА. Янги Зеландия Бош вазирини Д. Лонги куросланишга бағишланган Женева конференциясининг сессиясида сўзлаган нутқида ўз ҳукуматининг Қўшма Штатлар ҳарбий деғиз кучларига қарашли ядро қурулиш шў жумладан тактик ядро қурулиш ортилган кемаларни Янги Зеландия портларига киритмаслик тўғрисидаги қарорини яна тасдиқлади. Янги Зеландия ҳукумати ядровий қуруланишга қўймас қучайишга қарши чирмоқда, деди у. Бунда у Тинч океанининг жанубий қисми учун бевосита ядро ҳавфи йўқлиғига асосланиди. Веллингтон расмий доираларининг қарори Янги Зеландия халқи кўпчилигининг аниқ-равшан ифодаланган хоҳиш-иродасига мос бўлиб тушади.

(ТАСС).

ЭРОН - ИРОК ФРОНТИДА

БАҒДОД. (ТАСС). Эрон артиллериясини Басра шаҳрини кетма-кет ўққа тутиди, дейилади Ироқ ҳарбий вакилининг хабариди. Бир қанча уй-жойлар вайрон қилинди, аҳоли орасида қўрқонлар бор. Ҳарбий вакил Ироқ қўрқон кучлари Эрондаги 30 та шаҳар бўйлаб жавоб зарбаси беришга мажбур бўлишини айтди. Ироқ, деди у,

◆ ШАВКАТЛИ жангчиларимиз билан жангдорлар бир сафда бўлган совет хотин-қизлари Улуғ Ватан уруши йилларида Европа халқларини фашизм асоратидан озод қилишда ҳам қатнашдилар. Архивдан олинган ушбу суратда Совет Армиясининг жангчи хотин-қизлари 1944 йилнинг сентябрида озод қилинган Софияда болгар аёллари билан.

БТА—ТАСС фотоси.

БОСКИНЧИЛАРНИНГ БЕДОДЛИГИ ТЎХТАТИЛСИН

НЬО-ИОРК. Ливан ҳукумати халқаро ҳамжамятига мурожаат қилиб, Исроил маъмуруларининг, Ливанда босиб олинган ерлардаги қотиқлик операцияларини қоралашга ва дарҳол тўхтатишга қачирди.

Исроил қурулди кучларининг Ливан жанубидида Маарака қишлоғидида жиноотлари яна бир апрессия қилмоқда, деди у. Бунда у Тинч океанининг жанубий қисми учун бевосита ядро ҳавфи йўқлиғига асосланиди. Веллингтон расмий доираларининг қарори Янги Зеландия халқи кўпчилигининг аниқ-равшан ифодаланган хоҳиш-иродасига мос бўлиб тушади.

(ТАСС).



БОСКИНЧИЛАРНИНГ БЕДОДЛИГИ ТЎХТАТИЛСИН

НЬО-ИОРК. Ливан ҳукумати халқаро ҳамжамятига мурожаат қилиб, Исроил маъмуруларининг, Ливанда босиб олинган ерлардаги қотиқлик операцияларини қоралашга ва дарҳол тўхтатишга қачирди.

Исроил қурулди кучларининг Ливан жанубидида Маарака қишлоғидида жиноотлари яна бир апрессия қилмоқда, деди у. Бунда у Тинч океанининг жанубий қисми учун бевосита ядро ҳавфи йўқлиғига асосланиди. Веллингтон расмий доираларининг қарори Янги Зеландия халқи кўпчилигининг аниқ-равшан ифодаланган хоҳиш-иродасига мос бўлиб тушади.

(ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ЛИССАБОН. Португалия ҳукумати 1974 йили апрель революциясининг асосий демократик талабларини тўғатиш йўлини тўтиб, мамлакат экономикасининг муҳим тармоқларини денационализация қилиш борасидаги ўз режаларини амалга оширишга киришди. Мис конларини қазиб билан шугулланаётган «Соминор» давлат кампанияси акцияларининг 49 процентини «Англо-Америкэн» ва «Гло Тинто динк» миллатлараро компанияларига сотиш нияти эълон қилинди.

Португалиянинг демократик касабо союzlари маъмуруларининг режаларига қатъий норозилик билдиришмоқдалар. Химия ва фарфасевтика санаяти ходимлари касабо союзининг бу ерда тарқатилган баёнотида ҳукумат аслида миллий бойликлари талон-тарож қилиш йўлига кириб олганлиғи таъкидланди.

● БРАЗЗАВИЛЬ. Конго Халқ Республикасининг президенти Д. Сассу-Нгессо озик-овқат билан таъминлаш соҳасида ажабнаб давлатларга қарам бўлишни тўғатишга, соғлиқни сақлаш системасидан барча граждандар баҳраманд бўлишига даъват этди.

У Ниари област партия ташкилоты пленумининг қатнашчиларига мурожаат қилиб, ана шу роғат муҳим вазифаларини ҳал этишда барча партия, касабо союз ва бошқа жамоат ташкилотларини қатнашишни лозим, деб таъкидлади. Президент ҳукумат белгиланган режаларни муваффақиятли равишда амалга ошириш мақсадида сабот билан тушунтириш ишларини олиб бориш халқ оммасининг ижодий ташаббусини ривожлантириш, табиий ресурслардан моҳирлик билан фойдаланиш зарурлигини ўқтирди.

(ТАСС).

Я Н Г И КАЛЕДОНИЯДАГИ ВАЗИЯТ

КЕСКИНЛАШДИ

ПАРИЖ. Франциянинг олис территориясини — Янги Каледониядаги вазият яна кескинлашди. Бу ерда ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тан олиншини талаб қилаётган маҳаллий аҳолининг ғалаёнари давом этмоқда. Тую шаҳрида Франция жандармерияси бўлиналари билан маҳаллий аҳоли — канаклар ўртасида шиддатли тўқнашулар содир бўлди. Бу районда полиция операциялари ўтказилиб, саккиз киши ушлаб қўлингандан кейин мана шундай тўқнашув чиқди.

Я Н Г И

Янги Каледония мустақиллиғи учун курашаётган канаклар миллий озодлик социалистик фронти бу операцияни қоралади. Фронт вакили И. Иевене жиний характердаги бундай операциялар мустамлакачилик йўлини давом эттириш учун қилинаётган уринишларини аниқ эттирди, деб таъкидлади. Канаклар миллий озодлик социалистик фронти фронтнинг ҳисбига олинган 93 активини қўллаб-қувватлаш кампаниясини аниқ олдириш экинни ҳам билдириди. Улар сийсий маҳбусларга статусига эришиш мақсадида оқлик эълон қилиди, деб ўқтирди И. Иевене.

(ТАСС).

ЧАДДА ШИДДАТЛИ ЖАНГЛАР

ПАРИЖ. Чад шаҳрида миллий бирлик ўтиш ҳукуматининг қўшунлари билан гарбозарат Ҳабре режими кучлари ўртасида шиддатли жанглар ави оқиб кетди. Франс Пресс агентлигининг хабар қилишича, миллий бирлик ўтиш ҳукуматининг отрядлари мамлакат пойтахти — Нжаменадан 700 километр шарқда жойлашган Билтин шаҳрини ишғол қилдилар. Миллий бирлик ўтиш ҳукумати отрядларини муваффақиятли жанговар операциялари Ҳабре режими қўшунлари орасида кучли саросималик келтириб чиқарди. Бу қўшунлар Чаднинг йирим маъмури ва иқтисодий маркази — Абеше шаҳридан шоша-пиша қўчирилганлиғи бунинг далилидир.

(ТАСС).



СЎЗ—ШОИРАЛАРИМИЗГА

БАҲОР! Бу фаслда табиатгина эмас инсон қалби ҳам яшайди. Дарҳақиқат нафасида буртаётган кўнрақлар, қуёшга талпиниб турган майсалар ҳамма-ҳаммаси киши дилида ҳаётга чекиш муҳаббат, бахтиёр ва осула турмушидан туйқовлиқ туйғуларини уйғотди. Зеро, муҳтарам онахонлар, мунис она-сингилларимизнинг кутлуғ байрами ҳам баҳор фаслида нишонланаётганида олам олам маъно бор.

Газетчиларимиз эътиборига ёш шоирлардан Умида АБДУАЗИМОВА ва Гулчехра ИҶДОШЕВАЛАРИНИНГ янги шеърларидан тақдим этар эканмиз бу ижодкорларнинг қалбларида мавж урган тўқинлар сизларга ҳам манзур бўлади деган фикрдамиз.



БАҒРИ БАҲОР ЮРТИМ БОР

Бу оламда меннинг ҳам
Суйганларим бор.
Меҳру муҳаббатимни
Туйганларим бор.
Севинчимга шериклар,
Севинчим-ла тириклар,

Қайгу аламларимдан
Куйганларим бор.
Бағри баҳор, беғубор
Элим, юртим бор.
Мен ундан айрилмасман,
Мангу утрим бор!

ДЎСТЛИК

Дарёлар ярмоқдан
Бошланар,
Бирлашиб ярмоқдан
Бошланар,
Ҳаётда ҳамма ҳам
Бир ишда урмоқдан
Юртошлар, ҳаммамиз
Йўлимиз,
Биродар, ҳамини
Дилчимиз,
Умримиз боқийдир, йўл
Боқий,
Бирлашсак ҳар қандай
Дамда биз,
Сен менга ҳаётдан сўзла,
Дўст,
Ул-учқур қанотдан сўзла,
Дўст,
Ҳақиқий инсондек
Яшаш-чун
Меҳнату саботдан сўзла,
Дўст.

Севиниб яшайин, севиниб!
Ҳам севиб яшай, ҳам
Севиниб!
Кўнглимни ермасанг,
Кўнглимни
Қаёқдан оларсан сен
Билиб?
«Бирлашган ўзади» —
Ҳақиқат!
«Айрилган тўзади» —
Ҳақиқат!
Бирлашган тўтамай
Кўлларда
Дарёдек сузади — ҳақиқат!
Дарёнинг манзилни аёндир,
Боғу-роғ боқмангиз,
Қаён бир!
Дўст, иссиқ кўнглимни бер
Менга,
Куч-қудрат кўлларда
Баёндир!

ҚЎШНИМНИНГ АРМОНИ

Роса елиб, югурдим,
Яйдай дехшароқ,
Бир шоҳона уй қурдим,
Еритар билдур чироқ,
Енгил машина учун
Ингилм хатто тийгани,
Еб-ичидан кечиб чин,
Айл қийим қийимни,
Тўхта экан суварлар ҳам
Қаттиқ жойда, азизлар,
Ниятига етган дам,
Бўлиб «фойда», азизлар—

Соғингимдан айрилдим...
Давлатим экан тенгиз,
Умр қадрин кеч билдим,
Қариб ҳам қолдим,
Эсиз...
Умида АБДУАЗИМОВА,
Тошкент вилояти Ленин
комсомол мукофоти
лауреати.

МУҲАББАТГА ДЕГАНЛАРИМ

Тушга айланди бу кун меҳр билан қарашлар,
Сўз оҳорини тўқмасдан кўз билан эркашлар.
Ақл билан юракка бўлмоқдан талашлар,
Сиз мени йўқотдингиз, айтиб қўйи, кеч энди,
Иккимизни боғларга имкон деманг ҳеч энди.
Мунис нигоҳларингиз дилга ёниб чироқлар,
Кўлиб боққан кўнглимиз унут эди фироқлар.
Ҳар кун сиз томондан кутардим кўнгиноқлар,
Сиз мени йўқотдингиз, айтиб қўйи, кеч энди,
Иккимизни боғларга имкон деманг ҳеч энди.
Уртада дарё кўп, тўқинлар кутурган,
Уртада дарё кўп, чечаклар қулф урган.
Бу тўқин, бу чечакни йўқидир бизчалик суйган,
Сиз мени йўқотдингиз, айтиб қўйи, кеч энди,
Иккимизни боғларга имкон деманг ҳеч энди.
Бошга тушса кўз кўрар, деган гаплар бор, ахир,
Бу дунё ҳам кимга кенг, кимларгадир тор бағир,
Баҳор ҳуснини ўғирлар бевақт ёққан қор, ахир,
Сиз мени йўқотдингиз, жуа-жуа кеч энди,
Иккимизни боғларга ришталар йўқ ҳеч энди.

О Р З У

Дерлар югурганимиз, бу югурганимиз,
Қай ҳаманди олдим мен сизни топиб,
Жар солгим келади бор овоз билан,
Мўъжиза рўй берди омадми чоғиб.
Аёли бахтга тўймас ҳеч чоғда
Меҳрдан ҳаминча очади чирой.
Барча юлдузларни қолдириб доғда,
Қалбингиз кўнжада бўлгим келар ой...

СОҒИНЧ

Боққа кирсам бир томон Лайливужд дилдорлар,
Бир томон иш ўтидан Мажнунисифат дилдорлар.
Тутмоқ учун гул юзига қўллариди даста гул,
Ишқ ўтига чора излар ошқиб бечоралар.
Баргларин аста суриб нозли, ибодил боқадир,
Минг хижолатдин ёниб гулхайрилар, гулжоралар.
Зарра тоқат истайми тўшб чаманзор қошида
Рашкидин қайнаб ушбу бетийқ фавворалар.
Тарки одат билмайин ёрдин кутиб аҳду оваро
Шеър дoston ёздиар Гулчехра ИҶДОШЕВА.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Пойтахтимиздаги Максим Горький номидаги рус давлат академик драма театри ташкил этилганлигига 50 йил тўлди. Шу муносабат билан муҳимиринизга театр директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Сара Рувимовна ЛЕЙКИНА куйидагиларни сўзлаб берди:

— ИЖОДИЙ коллективимиз учун бу юбилей катта ғолибона бўлибгина қолмай, балки босиб ўтилган кутлуғ йўлини муайян маънода сарҳисоб этиш, бугунги фаолиятимизни илҳом қилиш ва унинг келгуси йўналишини аниқлаш учун ҳам имкон беради.

Театримиз 1934 йилда ташкил этилган эди. Санъаткорлар ана шу ўтган йиллар давомида Максим Горький ёзувчиларининг Бутунитифон I съезидида айтган: «Ёзувчи ўзига социализм бериб қўйган буюк ҳуқуқдан аниқ фойдаланишни ўрганиб олиш керак. Бу ҳуқуқ янги ҳаёт қурилишида бевосита иштирок этиш, ўз умрини яшаб бўлган барча қўлоқ нарсаларнинг қатъий ҳақами бўлиш, ўз санъати билан чинакам ватанпарварликни, социализмнинг юксак идеалларини қарор топтириш ҳуқуқидир», сўзларини ўзлари учун дастуруламал деб билдилар.

Улуг пролетар ёзувчиларининг бу аниқ бир фикрларини коллективимиз ижодининг асосини белгилаб берди. Театримиз саҳнасида намоёниб этилган биринчи асар — Лев Славинининг «Интервенция» спектаклидан бошлаб то шу кунга қадар коллективимиз ҳар бир саҳна асарининг давр талабига ҳамоҳанг бўлиш учун интилдиги.

Театримиз тарихий-инқилобий ва қаҳрамонлик-ватанпарварлик мануидаги саҳна асарларига ҳаминча катта эътибор билан қараб келди. 1940 йилда саҳна юзидан кўрган Н. Погодиннинг «Милитари киши» пьесаси томошабинларимизда катта қизиқиш уйғотган эди. Бу саҳна асариди В. И. Ленин образини истадодли актриса П. Давидов маҳорати билан икром этган эди. Ана шу спектакль театримиизнинг намоёниб бўлиб келди. Шундан кейин А. Штейннинг «Айла остида», К. Ерматов ва М. Мелькумовнинг «Хавотирлик ва умидорлик» куйларини спектакллариди В. И. Ленин образини СССР халқ артисти М. Мансуров моҳирона талқин қилди.

Репертуаримизда рус классик драматургияси алоҳида ўрин тутди. Театримиз санъаткорлари А. Грибоедов, А. Пушкин, И. Тургенев, А. Островский, А. Чехов, Л. Толстой, Н. Гоголь, Ф. Достоевский каби улуг рус ёзувчиларининг асарларига тез-тез мурожаат этмоқдалар. Шунингдек, турли йилларда Гольдони, Шекспир, Шиллер, Б. Шоу каби Габрий Европа классикларининг пьесалари ҳам саҳналаштирилиб, санъат ихлосмандларига дуффа этилди.

Театримизнинг изланишлари натижада Алексей Максимович Горькийнинг «Тубанилди» ва «Душманлар» пьесалари саҳна юзидан кўрди. Бу асарлар театрнинг ўзига хос голий-бадий қиёфасин белгилаб олишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Республиканинг партия-ҳукумати коллективининг бу катта ижодий фаолиятига муносиб баҳо бериб, унга 1936 йилда Алексей Максимович Горький номи берди.

Шундан кейинги даврда театр коллективи бу кутлуғ номи оқлаш ва уни шарафлаш учун бутун куч ва интиқинини сафарбар этди. Шу тариқа Горькийнинг деярли ҳамма пьесалари бирин-кетин санъат муҳлисарида тақдим этилди. Бу катта ижодий ютуқ мосқалик санъатшунослар ва театр намоёндалари томонидан ўз вақтида юқори баҳоланди.

Театримиз репертуаридан ўзбек драматургиясининг асарлари ҳам муносиб ўрин олиб келмоқда. 1939 йилда Ҳамза Ҳасимовнинг «Бой ила хизматчи» драмиси муваффақиятли саҳнага қўйилган эди. Ана шундан бери ижодий коллективимиз ўзбек драматургиясида пайдо бўлаётган ҳар бир янги асарга катта қизиқиш билан қараб келмоқда. Шу тариқа театримииз саҳнасида А. Қўлқоровнинг «Шоҳи сўзана», Н. Сафаровнинг «Шарқ тоғи», Ҳамза Ҳасимовнинг «Парайи сирлари», С. Аҳмадининг «Келинлар қўзғолоғи» ва бошқа саҳна асарлари ўз-

нинг муваффақиятлари билан томошабинларнинг қалбидан мустаҳкам жой олди.

Максим Горький номидаги театр коллективи ўзининг бутун ижодий фаолияти давомида замонамиз билан ҳамнафас бўлишга, совет халқи ҳаётида юз бераётган улкан ўзгаришларни бадиий баркамол образлар орқали акс эттиришга ҳаракат қилмоқда. Ана шу нуқтадан назардан Н. Погодиннинг «Кремль курантлари», «Милитари киши», Л. Славинининг «Интервенция», К. Треневнинг «Любовь Яровая», В. Вишневскийнинг «Ҳаётбахш фойна», М. Полоховнинг «Полк келаяпти» сингари асарларининг саҳнасида намоёниб этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу спектаклларида А. Загаров, Н. Фирсов, А. Шестаков, Е. Лешина, П. Ефремов, Г. Захаров, Е. Яковлев, О. Андреев, Н. Никомаров, П. Давидов сингари истадодли актрисаларнинг ижодий маҳорати сайқал топди.

Айни пайтларда театримиизда янги оригинал асарлар яратиб, ёш ижодкорлар билан ишлаш ҳам томонлама яхшилаш, санъат даргоҳимизнинг ишлаб чиқариш коллективлари билан алоқасини мустаҳкамлашга катта аҳамият берилмоқда. Ана шу мақсадда мана икки йилдин, театримиизда кичик саҳна фаолият кўрсата бошлади. Бу саҳнада фақат ёшларгина эмас, балки катталар ҳам ўзларининг ҳақиқий имкониятларини тўла-тўқис намоён қилиш ва ижодий экспериментлар олиб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, театримииз босиб ўтган ярим асрлик шонли йўлдан ҳақиқий равишда фахрланамиз. Албатта, кўлга қиртилган ютуқлар биз учун хали чегара эмас. Коллективимизнинг ўзига яраша камчиликлари ҳам бор эканлигиндан асло кўз юма олмаймиз. Театримизнинг ахир санъаткорлари бундан кейин ҳам совет саҳна санъатининг янада раванг топиши, томошабинларга тақдим этилаётган спектакллар халқимизнинг энг юксак орзу ва умидларининг ифода этиши учун бутун куч ва имкониятларини сарф этаверадилар...

МАРТ ТАБАССУМИ



— Хужжатларингизни кўрсатинг?
— Байрамнингиз билан, синглим...



Муҳаббат жой танламас...



— Тугуртин опке...
— Болага қара!...



— Ҳайрият, иложини топиш...



— Ҳеч бўлмаса байрам кунни жаҳл қилманг, дада-си?...
А. Холиқов ва А. Ҳакимов чизган расмлар.

[Тошкент ҳақиқатининг навбатдаги сон 10 мартда чиқади].

Редактор
Н. НАСИМОВ.

КУТЛОВ ИЖОДИНГИЗГА БАРАКА!

СССР ЁЗУВЧИЛАР союзининг аъзоси, таниқли журналист ва ёзувчи Ҳамид Тожибоевнинг ҳикоя, очерк ва қиссаларини китобхоналар қонийи хисси билан мутлола қилади. Дарҳақиқат, адабнинг қатор китобларида Улуг Ватан урушининг оловли жангоҳларида душман билан юзмаюзи жанг қилган халқимизнинг асл фарзандларининг мардиги ва жасорати гоёт таъсирчан ҳикоя қилинади. Унинг енгил юмор билан сўғирилган ҳажвий ҳикояларида эса ҳаётимизда оз бўлса-да учраб турадиган юлғичлик, лаганбардорлик, поракхўрлик каби иллатлар кескин фош этилади.

...Ҳамид Тожибоев 1925 йилда Наманган вилоятининг Чортоқ қишлоғида таваллуд топди. У 1952 йилда ўзбек давлат физкультура институтини тамомлади. Сўнгра «Пахтакор» кўнглили спорт жамиятида катта инструктор, Ўзбекистон ССР Маориф ва маданият вазирлигида инспектор, республика Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетидида катта инструктор бўлиб ишлади. 1958 йилдан у «Қизил Ўзбекистон» газетасида адабий секретарь, Ўзбекистон физкультура вазирлиги газетасида редактор ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидида инструктор, «Ўзбекистон физкультура вазирлиги» газетасида редактор лавозимларида меҳнат қилди. 1962 йилдан бошлаб «Совет Ўзбекистони» газетасида, кейин «Мунис»

журналида адабий хонинг бўлиб ишлайди. Ҳамид Тожибоев 1966 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Журналистлар союзининг раёислиги, республика телевидение ва радиозинтириш Давлат комитетидида катта редактор, кейинчалик эса Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ишлар бошқармасида инструктор бўлиб хизмат қилди.

Ҳамид Тожибоевнинг турли йилларда нашр этилган «Скрипка», «Оташ қалби кизил» (А. Муҳаммад билан ҳамкорликда), «Гулсал», «Қизбек партизани» (Р. Раҳимов билан ҳамкорликда), «Ирода» ва ҳар бири ватанпарварлик мануидидаги бир қатор қисса ҳамда ҳикоя тўпламлари билан китобхоналарнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Ёзувчи ва журналист Ҳамид Тожибоевнинг тез-тез республикамизнинг шахар ва қишлоқларида учратиш мумкин. У ҳаётда юз бераётган катта ўзгаришларни ўз кўзи билан кўришга, халқимизнинг яратувчилик маҳоратини асарларида бадиий ёфодалиб беришга интилади.

Биз газетамизнинг кўп сонли ўқувчилари номидан шу кунларда ўзининг олтишинчи баҳорини қарши олаётган хур матли адабга мустаҳкам сўхат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар тилаймиз!

Р. ҲАНИЕВ.

ЮБИЛЕЙ КОНЦЕРТИ

БУ ПИЛ Тошкент Давлат маданият институтининг ташкил топилишига ўн йил тўлди. Шу муносабат билан яқинда Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг катта залда юбилей концерти бўлиб ўтди.

Тантанали кечага Интилган санъат муҳлисари Т. Курбановнинг «Тўғона» прелюдия ва фугаси, А. Вебернинг «Кларнет ва симфоник оркестр» учун концерти, «Оберон» операсига увертюраси, П. И. Чайковскийнинг фортепиано ва симфоник оркестр учун биринчи концерти каби санъат асар-

ларини мамуният билан тингладилар. Концерт программаларини икром этишда консерватория опера студиясининг симфоник оркестри, маданият институтининг ўқитувчилари — солистар Аҳад Қосимов ва Виталий Сафаровлар ўз талантларини намоёниб этдилар.

Юбилей концертига институт духовой асосбарлар калюдия ва фугаси, А. Вебернинг «Кларнет ва симфоник оркестр» учун концерти, «Оберон» операсига увертюраси, П. И. Чайковскийнинг фортепиано ва симфоник оркестр учун биринчи концерти каби санъат асар-

Д. ҚОДИРОВА.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

М. Қориевнинг номидаги Ўзбек Давлат филармонияси
Я. М. СВЕРДЛОВНОМИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
9, 10 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

Бутунитифоқ профессионал бадиий ҳаваскорлик коллективлари кўрик-қонкурс ва Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС

«ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати Гулжон ЕҶУБОВ.
Ўзбекистон ССР халқ артисти ва Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати Қизилхон ДУСТМУҲАМЕДОВА.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти Гулшод ОТАБОВЕВА.
БАДИЙ СЎЗ УСТАСИ ҲАСАН ИҶДОШЕВ.
Тошкент вилояти Ленин комсомол мукофотининг лауреати Нарзиддин ШЕРМАТОВ.
VI Жаҳон фестивалининг лауреати Анавар РУСТАМОВ.
Солистлар: Дилором ҚАЙУМОВА, Салоҳиддин МУҲИДИНОВ, Раҳимхон НОСИРОВА, Лола ОҚИЛОВА, Райхон АБДУЛЛАЕВА, Хотам ҲОЖИЕВ, Моҳичехра ИСЛОМОВА, Абдуқодир ЮСУПОВ.
Ўзбек халқ чолғу асосбарлари ансамбли.
«Шодлик» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати Қодир МҲМИНОВ.
Музыка раҳбари — Исмаилов РАҲМАТУЛЛАЕВ.
Программани ўқитир СИДИҚОВ олиб боради!

БЎСТОНЛИҚ

«ГУЛЁРИИ

♦ БЎСТОНЛИҚ район маданият уйи қошида ташкил этилган «Гулёр» этнографик фольклор ансамбли мана бир неча йилдирки, ўз муҳлисарида чексиз қувонч бахш этиб келмоқда. Ўз сафинга йигирмадан зиёд санъатсевар онахонини бирлаштирган бу ижодий коллективга пенсионер Л. Нуримова раҳбарлик қилади. Республика телевидениесининг халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган концерт программасида «Гулёр» ансамблининг қатнашчилари ҳам ўз маҳоратларини намоёниб этадилар.

В. Портнов фотоси.


ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ИТТИФОҚИ РЕСПУБЛИКАЛАРИНИНГ
ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИ БЎЛАВ
БАЙРАМ ВА ДАМ ОЛИШ КҮНЛАРИДА
САМОЛЕТЛАРДА САЁҲАТЛАР
ТАШКИЛ ҚИЛАДИ:

Тошкент—Киев—Тошкент—16 мартда,
Тошкент—Тбилиси—Тошкент—23 мартда,
Тошкент—Бокс—Тошкент—30 мартда,
Тошкент—Волгоград—Тошкент—9 майда,
Тошкент—Ленинград—Тошкент—12—14 апрелда,
Тошкент—Ургенч (Хива)—Тошкент—23 мартда.
25 апрелдан 15 майгача қуйидаги маршрутлар бўйлаб туристлик поездларда саёҳатлар ўтказилади: Тошкент—Волгоград—Воронеж—Киев—Минск—Брест—Львов—Винница—Одесса—Херсон—Севастополь—Феодосия—Новороссийск—Волгоград—Тошкент.
Ваҳсин 300 дан 350 сўмгача.
Путёвканинг баҳосига қуйидаги хизматлар қиради: поезднинг купеги вагонларида юриш ва истикомат қилиш, овқатланиш, экскурсия хизмати. Саёҳат давомида қизилхон ва рағиб-баранг программа бажарилиши кўзда тутилган. Унинг орасида Совет Украинасини пойтахти—Киев шаҳрида 1 Май байрами, Қаҳрамон-шаҳар Севастополда Совет ҳалқи Улуг Ватан урушини йиллари (1941—1945 йиллар)да қозонган ғалабасининг 40 йилгича байрами нишонланади ва бошқа тадбирлар ўтказилади.
Путёвкани нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан ҳам сотиб олиш мумкин.
Коллектив бюртурлар қабул қилинмоқда.
Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар хибони, 5-уй. Телефонлар: 39-13-59, 39-43-73.

ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда" /
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА
КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО
СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КҮЧАСИ, 32



Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юрлари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; хотлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фелетонлар—325556; фотомуҳбир—325894.

